

Хусусийлаштириш амалиётида қонун ижодкорлиги

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ишлаб чиқилиши алоҳида қайд этилган ҳужжатлардан бири “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасидир. Аввало шуни таъкидлаш керакки, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги амалдаги қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, у республикаимизда иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг бошланишига кўмак берган ҳамда хусусийлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий базанинг яратилишида муҳим аҳамият касб этган ҳужжат саналади.

1991-2009 йиллар мобайнида хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий ва институционал асослари кўп маротаба ўзгартирилди. Хусусийлаштиришнинг янги механизмлари амалиётга татбиқ этила бориши билан мазкур қонуннинг қоидаларини аниқлаштириб берувчи бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Ҳозирги пайтда давлат мулкани хусусийлаштиришнинг турли тартиб-таомиллари ва масалаларини тартибга солувчи 80 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кўпчилигида амалдаги қонунда мавжуд бўлмаган янги нормалар бор.

Янги таҳрирдаги “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлашдан мақсад иқтисодиётда хусусий сектор улушини кенгайтириш ва кўпайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш, потенциал инвесторларнинг барча тоифаларига бир хил қулайликлар яратиш ва мулкий ҳуқуқни таъминлашга қаратилган хусусийлаштириш жараёнларининг янги босқичини инобатга олган ҳолда замонавий стратегияни ва хусусийлаштиришнинг айна амалиётини қонун ҳужжатлари билан тартибга солишдан иборатдир.

Қонун лойиҳаси хорижий тажрибани ўрганиш асосида, шунингдек, миллий қонунчилик ва хусусийлаштириш жараёнларининг хусусиятлари инобатга олинган ҳолда тайёрланди. Бундан ташқари, МДҲ мамлакатларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан ташқари, Шарқий Европа давлатлари (Болгария, Германия)нинг хусусийлаштириш жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги тажрибалари ўрганилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган мазкур қонун лойиҳаси шу кунларда тегишли ишчи гуруҳи томонидан муҳокама қилиниб, уни янада

такомиллаштириш ва иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Шу ўринда ушбу қонуннинг асосий мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Қонун лойиҳасида, аввало, умумий қоидаларга ўрин берилган, яъни унда қайд этилаётган тушунчага кўра, хусусийлаштириш давлат мулки бўлган объектларни хусусий мулк сифатида ўрнатилган тартиб ва шартларда бошқа шахсга ҳақ эвазига бериш ҳисобланади. Лойиҳада хусусийлаштиришнинг асосий тамойиллари ва қафолатлари, давлат органларининг хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари белгиланмоқда. Хусусийлаштириладиган ва хусусийлаштирилмайдиган объектлар кўрсатиб берилмоқда.

Бундан ташқари хусусийлаштириш жараёнини амалга оширишнинг шартлари ва тартиби, хусусийлаштириш бўйича ташаббус кўрсатувчилар, мазкур жараёнга таклиф ва буюртмалар бериш, хусусийлаштириш дастурларини тайёрлаш ва тасдиқлаш, давлат мулки бўлган объектларни хусусийлаштиришга тайёрлаш, бу борада тузиладиган комиссия таркиби ва унинг ваколатлари, хусусийлаштириладиган объектларнинг нархини белгилаш, сотиладиган объектлар ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари ҳамда ваколатли органнинг веб-сайтлари орқали хабардор қилишнинг тартиб-қоидалари алоҳида нормаларда акс эттирилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қатор моддаларида хусусийлаштиришнинг усуллари ва уларни амалга ошириш тартиблари белгиланмоқда. Яъни қайд этилаётганига кўра, давлат мулки объектлари танловларда, аукционларда, биржа савдоларида ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотилиши, давлат унитар корхонаси ёхуд давлат муассасаси бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартириш орқали хусусийлаштирилиши, шунингдек, хусусийлаштириш объектлари нодавлат мулкчилик шаклидаги юридик шахснинг устав фондига ҳисса сифатида киритилиши мумкин.

Қонун лойиҳасининг муҳим ва янгилик жиҳатларидан бири – бу хусусийлаштиришдаги мажбуриятлар, юклатишлар ва ижтимоий қафолатлар билан боғлиқ. Чунончи, хусусийлаштириш объектини олишда харидорга ушбу объектнинг муайян фаолият соҳасини сақлаб қолиш, иш ўринларини сақлаш ёки кўпайтириш, ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлашдан иборат ижтимоий мажбуриятлар юклатилиши белгиланмоқда. Инвестициявий мажбуриятлар эса олди-сотди шартномаси бўйича харидор томонидан қабул қилиниб, у ўз ичига пул маблағини киритиш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, хом ашё, бутловчи

қисмлар етказиб бериш, объектни таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишлари, объектнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича қарзларини тўлаш, янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматларни ўзлаштириш кабиларни олиши кўрсатилмоқда.

Лойиҳанинг бошқа бир моддаларида хусусийлаштириш объекти бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасида ақс эттирилиши зарур бўлган маълумотлар баён қилиниб, ушбу объектга бўлган мулккий ҳуқуқни расмийлаштириш тартиби белгиланмоқда. Унга кўра, хусусийлаштирилган объектга бўлган мулккий ҳуқуқ янги мулкдорга бундай ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатни олган пайтдан бошлаб ўтади. Мулккий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларга давлат унитар корхонаси ёки муассасаси бошқа мулк шаклига айлантирилганда, кўчмас мулк объектлари ҳамда давлат унитар корхонаси ёки муассасаси мулккий мажмуа сифатида хусусийлаштирилганда ваколатли орган томонидан бериладиган давлат ордери киради. Масъулияти чекланган жамиятдаги давлат улушлари сотилганда ваколатли орган томонидан тақдим этиладиган давлат сертификати ва давлатга тегишли акциялар сотилганда депозитарий томонидан берилган депо ҳисоб рақамидан олинган кўчирма мулккий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат саналади.

Қонун лойиҳасидан ижтимоий мақсадлардаги, паст ликвидли ҳамда хорижда жойлашган объектлар каби давлат мулки бўлган алоҳида турдаги объектларни хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда тартиблари ҳам ўрин олган. Айниқса, давлат мулки бўлган паст ликвидли объектларни хусусийлаштириш кейинги йилларда амал қилаётган жараён бўлиб, қонун доирасида биринчи бор бу тартиб ўз аксини топмоқда. Унга мувофиқ, бундай объектларни хусусийлаштириш харидор томонидан мазкур объект фаолиятини қайта тиклаш, молиявий соғломлаштириш, бошқа инвестиция мажбуриятини бажариш шарти билан танлов асосида “ноль” қиймат бўйича амалга оширилади. Паст ликвидли объект хусусийлаштирилганидан кейин унга бўлган мулккий ҳуқуқ инвестиция мажбурияти тўлиқ бажарилгандан сўнг расмийлаштирилади. Бунда харидор қонунчиликка биноан имтиёз ва преференцияларга эга бўлиши билан бирга, инвестиция мажбурияти лозим даражада бажарилмаган тақдирда жавобгарликка тортилиши қайд этилмоқда.

Хусусийлаштириш жараёнининг назорат қилиниши билан боғлиқ норма ҳам қонун лойиҳасида алоҳида ифодаланган. Яъни ваколатли орган қабул қилинган хусусийлаштириш дастури ва бошқа қарорларнинг, олди-сотди шартнома шартларининг, инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини, харидорлар томонидан хусусийлаштирилган объект сақланишига риоя этилишини назорат қилиши қайд этилмоқда. Шунинг ҳам

таъкидлаш жоизки, лойиҳада нафақат давлатнинг мулк эгаси сифатида, балки давлат объектининг харидори бўлган мулкдорларнинг ҳам ҳуқуқлари бирдай ҳимояланиши тартиби ўз аксини топмоқда.

Умуман, мазкур қонун лойиҳасининг батафсил мазмуни ишбилармонлар, сармоядорлар, давлат органлари учун бир хилда тушунарли тарзда баён этилган бўлиб, унинг қабул қилиниши бозор муносабатларининг таркибий қисми ҳамда босқичма-босқич тарзда давом этаётган ислохотнинг жадаллашувида муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусийлаштириш жараёнининг янгиланган ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Клара ДЖУМАМУРАТОВА,
Собир ЖАББОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутатлари.**

“Биржа” газетаси, 9 январь 2014 йил.